

# ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ № 1-ХКЎК

« 31 » 01 2022 йил

Фарғона ш.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилувчи Фарғона вилояти автомобиль йўллари Бош бошқармаси номидан бошқарма Низоми асосида иш юритувчи бошқарма бошлиғи О.Назиров бир томондан ва иккинчи томондан «Пудратчи» деб юритилувчи «Фарғонайўлкўкалам» унитар корхонаси номидан корхона Низоми асосида иш юритувчи корхона директори Ю.Эгамбердиев аниқ манзил ва йўл ишлари рўйхатида тасдиқланган 202 км узунликдаги умумфойдаланувдаги халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлларининг четларини ободонлаштириш, манзарали, бута, кўчатлар ва дарахтлар экиш, автомобиль йўлларини атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш бўйича пудрат шартномасини туздик.

## I. УМУМИЙ БЎЛИМ.

Пудратчининг мазкур шартнома шартлари асосида автомобиль йўлларининг четларини ободонлаштириш, манзарали, бута, кўчатлар ва дарахтлар экиш, автомобиль йўлларини атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб боровчи халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўллари 202 км.

## II. ШАРТНОМА МАҚСАДИ.

2.1 «Буюртмачи» Фарғона вилояти автомобиль йўллари Бош бошқармаси пудратчи «Фарғонайўлкўкалам» унитар корхонасига 202 км халқаро аҳамиятдаги умумфойдаланувдаги автомобиль йўллари минтақаси (четлари ва атрофлари)ни Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги қонунининг 8-моддасига асосан ободонлаштириш, манзарали, бута, кўчатлар ва дарахтлар экиш, автомобиль йўлларини атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш учун топширади. «Пудратчи» эса корхона Низомида унга берилган ваколатлар доирасида мазкур шартнома мажбуриятларини бажаришни ўз зиммасига олади ва йўл хизматининг Автомобиль йўллари Кўмитаси олдидаги мажбуриятлари тўғрисидаги ижро ҳужжатларига қатъий риоя қилади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ ВА МУДДАТИ.

3.1 Шартнома баҳоси «Корхона» нинг 2022 йил тасдиқланган йўл ишлари чекланган харажатлар сметаси ва лойихавий смета ҳужжатларида кўрсатилган 1 228 305 100 сўм (Бир миллиард икки юз йигирма саккиз миллион уч юз беш минг бир юз сўм) ҳажмини ташкил этади.

3.2 Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати 31 декабрь 2022 йилгача.

## IV. ПУДРАТЧИНING ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1 Пудратчи автомобиль йўллари минтақаси (четлари ва атрофлари)да ободонлаштириш, манзарали, бута, кўчатлар ва дарахтлар экиш, автомобиль йўлларини атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини эстетик ва экологик меъёрларга қатъий амал қилган ҳолда бажариш;

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари минтақасини ва манзарали дарахтларни сақлаш;

Автомобиль йўлларининг замонавий архитектура-бадий курилиши ва ландшафт дизайнини, яшил экин экиш, суғоришнинг ва энерготаъминотининг илғор ҳамда ресурсларни тежовчи технологияларини жорий этган ҳолда ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш;

Автомобиль йўллари минтақаси (четлари ва атрофлари)ни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича маблағ воситаларини ишлатилишини доимий тахлилини амалга ошириб бориш;

4.2 Пудратчи халқаро аҳамиятдаги йўллар минтақаси (четлари ва атрофлари)да тасдиқланган смета ҳужжатлари асосида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини сифатли қилиб бажариб, «Буюртмачига» га белгиланган тартибда тегишли ҳужжатлар асосида топширади;

4.3 Бириктирилган халқаро аҳамиятдаги автомобил йўллари минтақаси (четлари ва атрофлари)да бажарилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига лойиха смета ҳужжатларига асосан йўналтирилган маблағларни мақсадли сарфланишига жавобгардир.

4.4 Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузишни «Буюртмачи» нинг ёзма равишда руҳсати билан амалга оширади.

4.5 Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини бажариш даврида техника хавфсизлиги, атроф муҳитни, йўл минтақасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш;

4.6 Ўзига бириктирилган умумфойдаланувдаги автомобил йўллари минтақаси (четлари ва атрофлари)да унинг айби билан бажарилиши лозим бўлган ишлар бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги натижасида келиб чиққан оқибатлар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

## **V. БУЮРТМАЧИНING ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ .**

5.1 «Буюртмачи» шартномада кўрсатилган ишлар бажарилиши устидан қурилиш меёрлари ва қоидалари асосида доимий назоратни, мазкур шартномада қайд этилган “Пудратчи” томонидан умумфойдаланувдаги автомобил йўллари минтақаси (четлари ва атрофлари)ни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича мажбуриятларни назорат қилиш ва пудратчидан бажарилган ишларни белгиланган муддатда қабул қилишни таъминлайди.

5.2 «Пудратчи» нинг барча муурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш.

5.3 Тасдиқланган смета харажатларига биноан «Пудратчи»га Молия вазирлиги маблағ ажратгандан сўнг аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

5.4 Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини сифатли бажарилишини ва бажарилган ишларни қабул қилиб олиш учун ўз вакилини яъни техник назоратчисини белгиланган ишларни қабул қилиш муддатларида қатнашишини таъминлаш.

5.5 Халқаро аҳамиятдаги автомобил йўллари минтақаси (четлари ва атрофлари)ни тасдиқланган лойиха-смета ҳужжатлариган асосан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига йўналтирилган маблағларни сарфланишини қатъий назорат қилиш.

## **VI. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР.**

6.1 “Буюртмачи” “Пудратчи”га шартнома бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 5 май кунги 123-сонли қарорининг 33 бўлими б бандига асосан умумфойдаланувдаги автомобил йўлларини кўкаламзорлаштириш ишларини молиялаштириш режалаштирилган ойлик хажмнинг 40 фоиз миқдоридан аванс маблағи билан (Молия вазирлиги томонидан аванс маблағи ажратилгандан сўнг Республика газначилиги орқали хар ойнинг 15-кунига қадар) таъминлайди.

6.2 Жорий молиялаштириш, бажарилган ишлар сифати текширилгандан сўнг, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ бажарилган ишларнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 60 % гача доирасида амалга оширилади. Бунда “Буюртмачи” ва “Пудратчи” ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш “Буюртмачи” томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

6.3 “Буюртмачи” мазкур шартнома бўйича ўз зиммасидаги мажбуриятларини бажармаса, шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида “Пудратчи” бу ҳақида конун ҳужжатларида белгиланган тартибда “Буюртмачи”ни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда “Буюртмачи” “Пудратчи” томонидан бажарилган ишларни тегишли тартибда расмийлаштирган бўлса, бажарилган иш учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

6.4 “Пудратчи” мазкур шартнома бўйича ўз зиммасидаги мажбуриятларини бажармаса, шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида “Буюртмачи” бу ҳақида конун ҳужжатларида белгиланган тартибда “Пудратчи”ни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда бажарилган иш учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

6.5 Томонларнинг бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда айбдор томонга Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги конуни 25-32 моддаларида назарда тутилган жарима санкциялари қўлланилади.

## **VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.**

7.1 “Буюртмачи” ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини сифатли қилиб бажарилиши ва бажарилган ишларини қабул қилиб олиш учун ўз вакилини – техник назоратчини буйруқ асосида тайинлайди, у “Буюртмачи” номидан бажарилаётган ишлар сифати устида техник назоратни амалга оширади, шунингдек, “Пудратчи” томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб–ускуналарнинг шартнома шартига ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

7.2 Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўлиқ танишиш ҳуқуқига эгадир.

7.3 “Пудратчи” техник назоратчини бажарилган ишларини қабул қилиб олиш учун иш жойига бориши ва келиши учун транспорт воситаси билан таъминлайди. Техник назоратчи “Пудратчи” томонидан автомобиль йуллари ҳолати бўйича ишларни амалга ошириш жараёнида



пайдо бўладиган масалаларни хал қилиш учун техник кенгашга таклиф киритади, йиғинларда мунтазам қатнашади.

7.4 “Пудратчи” мазкур шартноманинг 4-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режа ҳамда жадвалига биноан ишларини бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.5 “Пудратчи” объектда ишларни олиб бориш даврида давлат архитектура ва қурилиш назорати органлари томонидан белгиланган чоралар тўғрисида “Буюртмачи”га маълумот беради ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

7.6 “Пудратчи” алоҳида масъулиятли конструкциялар ва ёпилиб кетадиган ишлар тугалланишига қараб уларни тугалланишидан олдин “Буюртмачи” ни ёзма равишда хабардор қилади.

7.7 Агар ёпилиб кетадиган ишлар “Буюртмачи”нинг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда “Пудратчи” “Буюртмачи”нинг кўрсатмасига мувофиқ ёпилиб кетадиган ишларни исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

7.8 Агар “Буюртмачи” томонидан “Пудратчи” ва унинг суб пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқланса, у ҳолда “Пудратчи” ўз кучлари билан таъмирлаш ишлари қийматини оширмаган ҳолда ушбу ишларни таъмирлаш учун келишилган муддатда сифатли қилиб қайта бажаришга мажбурдир.

7.9 Ишлар бошланган пайтдан улар тугаллангунга қадар “Пудратчи” ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, “Буюртмачи” ва “Пудратчи”нинг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар акс эттирилади.

7.10 Агар “Буюртмачи” ишларни бориши ва сифатидан ёки “Пудратчи”нинг қайдларидан қониқмаса у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

7.11 Сифатсиз бажарилган иш ҳажми “Пудратчи”нинг ҳисобидан қопланади ва аниқланган зарар “Пудратчи”дан ундирилади.

#### **VIII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧЛАР (ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР).**

8.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари, бошқа енгиб бўлмайдиган кучлар натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса (форс-мажор) томонлар бундан қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8.2 Агар енгиб бўлмайдиган кучлар ёки унинг оқибатлари бир ойдан кўп вақт чўзилса у ҳолда “Пудратчи” ва “Буюртмачи” ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

8.3 Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **IX. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.**

##### **9.1 “Буюртмачи”**

А) Ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати “Пудратчи”нинг айби билан узлуксизлиги таъминланмаганда, “Пудратчи” томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

##### **9.2 “Пудратчи”**

А) Ишларни бажарилиши “Пудратчи”га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра “Буюртмачи” томонидан сабабсиз тўхтатиб қўйилганда;

Б) “Буюртмачи” томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда.

Шартнома бекор қилинганда “Буюртмачи” ва “Пудратчи”нинг қўшма қарорига кўра тугалланмаган ишлар бир ой муддатда иккинчи “Корхона”га берилади. “Буюртмачи” бажарилган ишлар қийматини “Пудратчи”га шартноманинг 5.1 бандига асосан расмийлаштирилган ҳолда тўлаш мажбуриятини олади.

#### **X. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.**

10.1 Шартномани бажаришда, уни ўзгартиришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалалар томонларнинг ўзаро келишувлари асосида хал этилади, агар бундай келишувнинг имкони бўлмаса Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва уларга мувофиқ равишда қабул қилинган норматив актлар асосида судга мурожаат қилиш йўли билан хал қилинади.

## **XI. АЛОХИДА ШАРТЛАР.**

11.1 Ушбу шартнома имзолангандан сўнг мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасида олдинги ёзма битимлар, оғзаки битимлар, ёзишмалар ва томонларнинг келишувлари ўз кучини йўқотади.

11.2 “Пудратчи” умумфойдаланувдаги автомобил йўллари ва йўл бўлакларида ҳамда алохида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини “Буюртмачи”нинг ёзма рухсатисиз суб пудратчилардан ташқари бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

11.3 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳолатлар амалдаги қонун ҳужжатлар асосида ҳал қилинади.

11.4 Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

11.5 Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ёки фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан Автомобиль йўллари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан молиялаштиришга ўзгартиришлар киритилганда ёки нарх наво оширилган тақдирда, шартноманинг шартларига тегишли ўзгартиришлар киритиш Қўмита ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқлангандан сўнг қўшимча шартнома тузиш йўли билан амалга оширилади.

11.6 Ушбу шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Ҳазначилик бошқармасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

## **XII. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:**

### **«ПУДРАТЧИ»**

“Фарғонайўлкўкалам” унитар  
корхонаси  
Манзил: Фарғона шаҳар  
Аэропорт кўчаси 1- уй  
Тел./факс:  
х/в: 22626000200826106001  
Банк номи: ТИФ Миллий банк  
Фарғона бўлими  
МФО: 00493  
СТИР: 305181358  
ИФУТ: 01192

### **«БУЮРТМАЧИ»**

Фарғона вилояти автомобиль йўллари бош  
бошқармаси  
Манзил: Фарғона шаҳар  
Аэропорт кўчаси 1- уй  
Тел./факс: 226-39-46; 226-36-55.  
шғх: 304510860304017045181118001  
Ташкилотнинг СТИРи : 200153714  
ОКЭД: 84130  
Фарғона вилоят ғазначилик бошқармаси  
ЯҒҲ: 23402000300100001010  
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент  
шаҳар Бош бошқармаси ХҚКМ  
МФО: 00014  
Ҳазначилик бўлинмасининг  
СТИРи: 201122919



Директор:

Ю Эгамбердиев



Бошқарма бошлиғи Ю.Назиров

### **Ҳуқуқий ҳулоса.**

Мен, ушбу шартномани ҳуқуқий экспертизадан ўтказдим. Мазкур шартномада кўрсатилган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун ва фуқаролик кодекси билан тартибга солинади ҳамда шартномада назарда тутилган тарафларнинг жавобгарлигини ва низоларни ҳал этиш юқорида зикр этилган қонунчилик талабларига мос келади.

Ҳуқуқшунос

А.Солиев